

Риёзус солихийн / Риёзус солихийн / 55-ҳадис

1. 55. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Уяйна ибн Хисн келиб, жияни Хурр ибн Қайснинг уйига тушди. У Умар ўзига яқин тутадиган кишилардан эди, чунки қорилар қари бўлсин, ёш бўлсин, Умарнинг мажлису машварат аъзолари эдилар. Уяйна жиянига: «Эй жиян, бу амирнинг олдида эътиборинг бор, ҳузурига мен учун изн сўраб берсанг?» деди. У Уяйна учун изн сўради. Умар унга изн берди. У унинг олдига кириб, «Хой Ибн Хаттоб! Аллоҳга қасамки, бизга тўкин-сочин қилиб бермаяпсан, орамизда адолат билан хукм қилмаяпсан!» деди. Умар ғазабланиб кетди, ҳатто унга хезланди ҳам. Шунда Хурр: «Эй мўминларнинг амири, Аллоҳ таоло Ўз Набийси соллаллоҳу алайҳи васалламага: **«Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўғир»**, деган.[1] Бу ҳам жоҳиллардан-да», деди. Аллоҳга қасамки, у Умарга буни тиловат қилган пайт (Умар) бунга бепарво бўлмади. У Аллоҳнинг Китоби олдида таққа тўхтайдиган киши эди».

Имом Бухорий ривоятлари.

[1] Аъроф сураси, 199-оят.



NUBUVVAT MARVARIDLARI